

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисидаги қарорга асосан Оққўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, ҳозиргача 15 та рейд текшируви ўтказилиб, 49 ҳолатда хато ва камчиликлар аниқланди. Текширув натижаларига кўра, жами 2,5 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар давлат ихтиёрига мусодара қилинди. Унинг бешдан тўрт қисми чет элда

## Қонун ва ижро

# СОЛИҚ ИНТИЗОМИ

***нафақат шу соҳа ходимлари, балки кенг жамоатчиликка ҳам бирдек тегишли бўлиб, унга барча баравар амал қилиши зарур***

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эканлиги маълум бўлди.

Бир қатор ноқонуний ишларга чек қўйилди. Чунончи, деҳқон бозорида Нодира Шокирова, Муҳтарам Абдукаримова ҳеч қандай ҳужжатсиз кийим-кечак сотиш билан шуғулланганлар. Тадбиркор Файзулла Абдуллаев эса, қонун талабларини бузган ҳолда нон ёпиб сотаётганлиги аниқланди. Дилшод Элбоев мол бозорида спиртли ичимликлар билан пинҳона савдони йўлга қўйган. Ёқуббой Шерқўзиев, Маманазар Беназаров белгиланган тартиб-қоидаларни бузиб, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиб келишган.

Тезкор чоралар натижасида шу сингари кўпгина ноқонуний хатти-ҳаракатлар барҳам топди.

Солиқ тизими бозор инфратузилмасининг таркибий қисмидир. У — иқтисодиётимиз таянчи. Шу боис, унинг фаолиятини тўғри ташкил этишимиз, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланишга қўл урган фуқароларга ўз фаолиятларини қонун асосида ташкил этишларига ёрдам кўрсатишимиз зарур.

**Ботир МУЗАФФАРОВ,**
**Оққўрғон тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.**

## Наслчилик:

# ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Фермамиздаги яна бир ёпиқ бостирма реконструкция қилиниб, жиҳозланяпти. У битгач, қорамолларнинг қолган қисмини келтирамиз.

Айтиш жоизки, бу каби истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун фермер ва тадбиркорлар учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Фермерлар ташаббусларини вилоят ҳокимлиги ҳамда чорвачиликда наслчилик вилоят инспекцияси мутасаддилари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, атрофлича кўмак бераяпти. Банклар томонидан фермерларнинг истиқболли лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредит ажратилаётгани ҳам айни муддао бўлаётир. Хусусан, «Тано» фермер хўжалиги ҳам четдан наслли моллар келтириш лойиҳаси учун 800 миллион сўмлик кредит олди.

Бундан ташқари, вилоятимиздаги яна бир қатор чорвадор фермерлар ўз хўжаликларида наслчиликни йўлга қўйиш мақсадида маҳаллий хўжаликлар ва хориж компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни бошлаб юборишган. Бу эса яқин келажакда ўз самарасини намоён этиши аниқ.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**СУРАТДА:** олиб келинган наслли моллар ветеринар томонидан кўздан кечирилмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ахборот-ресурс маркази иш бошлади.**

Янги ташкил этилган марказда электрон ўқув мажмуаси – электрон каталог, электрон ўқув зали, сервер мажмуаси барпо этилди. Замонавий компьютер ва техника жиҳозлари билан таъминланган марказ университетнинг ўн минг нафардан зиёд талабаси билан бирга яқин атрофдаги маҳаллалар аҳолиси, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги барча таълим даргоҳларининг йигит-қизларига янги ахборот технологиялари – маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари асосида тезкор ахборот хизмати кўрсатиши билан аҳамиятлидир.

**ЎзА.**

## Огоҳлик

***Барча адашишларнинг бош сабаби билимсизликдир, деган эди донишмандлардан бири. Билимсизлик кишини жаҳолатга етаклайди. Ёвузлик, террор балоси ҳам ана шу жаҳолатдан куч, озуқа олади. Бу ҳақиқат. Яқинда Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судида кўриб чиқилган икки жиноят иши ана шундай хулосага келишимизга сабаб бўлди. Бу икки иш бир-бири билан боғлиқ. Судланувчилар жамоат хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солишга қаратилган материаллар тайёрлаш ва тарқатиш, тақиқланган диний экстремистик ва ақидапарастлик гуруҳларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш жиноятини содир этиб келишган.***




### ЖИНОЯТГА БОШЛАГАН ЙЎЛ

Комил Сидиқов 1966 йилда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилган. Уч фарзанднинг отаси. 1994 йилда гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланганини учун Яккасарой туман судининг ҳукми билан 7 йилга озодликдан маҳрум этилади. 2000 йилда жазо муддатини ўтаб, оиласи, фарзандлари бағрига қайтади. Ижарага машина олиб, киракашлик қила бошлайди. Шунинг ортидан тирикчилиги ўтиб, рўзғорини тебратарди. 2003 йилнинг май ойида танишларидан бири, Зангиота туманида яшовчи Ҳусан Абдураҳмонов унинг тинчини, осуда ҳаётини бузди. Комилни «Ҳизбут-таҳрир» оқимига даъват қила бошлади. Халифалик давлати тикланса, гўёки бой-бадавлат яшаши мумкинлигини, ҳеч қандай муаммо уни қийнамаслигини обдон уқтириб, унинг миясига ўзининг пуч ғоясини сингдиради. «Оллоҳнинг розилигини олишни истасангиз, шу йўлни танлашингиз керак», дейди Ҳусан. Комил рози бўлгач, Ҳусан уни Янгийўл туманида яшовчи Абдусамиғ Абдураҳмонов билан учраштириб қўяди.

Ҳусан Абдураҳмонов 1978 йилда Зангиота туманида туғилган. «Ҳизбут-таҳрир»нинг Зангиота, Янгийўл ва Чиноз туманлари бўйича «мусоид»и. У ўзининг ғаламисона даъватлари билан Зангиота, Янгийўл тумани ҳудудида «Ҳизбут-таҳрир» аъзоларини кўпайтира бошлади.

Комил Янгийўл тумани «Янгийўл» жамоа хўжалигида яшовчи Саидмурод Нуриддиновнинг хонадонида ҳафтада бир маротаба «мушриф» А. Абдураҳмонов томонидан яширинча ўтказиладиган «ҳалқа» йиғилишларига қатнай бошлади. Йиғинларда «ҳизбут-таҳрир»даги фаолияти учун жазо муддатини ўтаб қайтган янгийўллик Ғанижон Қулмонов, Қодирали Нишонбоев, Латиф Аюпов, Нодир Ғиёсовлар ҳам бор эди. А. Абдураҳмонов уларни «Ҳизбут-таҳрир»га даъват этиб, фаолиятларини яна давом эттиришга, бу йўлдан ортга қайтмасликка кўндирган эди. Йиғинлар, асосан халифалик давлатини тузиш тўғрисидаги гаплардан иборат бўларди. Бу эса ҳар бир мусулмон учун фарз эмиш. Шундан сўнг, «ҳизб» аъзолари «Ҳалқа»га секин-аста қариндошлари, қўшнилари, маҳалладошларини бошлаб келди. Дарслар асосан «Ҳизбут-таҳрир тушунчалари» китобидан, «таҳрир»чиларнинг хориждан келтириладиган «Ал-Ваъй» журналидан ўтиларди. Йиғилишлар гоҳ Ғ. Қулмонов, гоҳ Л. Аюпов, гоҳида Комилнинг хонадонида ҳафтада бир, баъзан ойда икки маротаба ўтказиларди.

Ҳусан Абдураҳмонов Янгийўл тумани ҳудудида «Ҳизбут-таҳрир»нинг яна бир «ҳалқа»сини тузиб, унга жазо муддатини ўтаб чиққан янгийўллик ўнга яқин собиқ «таҳрир»чиларни даъват этади.

### ХИЁНАТГА ИЧИЛГАН ҚАСАМ

Ҳ. Абдураҳмоновнинг кўрсатмаси билан «ҳизб»да аввал фаолият олиб бормаган К. Сидиқов, Р. Асатов, Б. Тўрахўжаев, М. Дониёров, Ш. Рашидовлар «Ҳизбут-таҳрир» қасамини қабул қилишади. «Раъйимга зид бўлса ҳам «Ҳизбут-таҳрир»нинг топшириқларини сўзсиз бажаришга сўз бераман. Бу сўзларимга Оллоҳ гувоҳ» – қасамёднинг мазмуни ана шундан иборат эди. Уларга қасам ичиришдан Ҳ. Абдураҳмонов ғараз мақсадни кўзлаган эди. Сабаби, қасам ичган «ҳизбий»лар «нақиб» ва «мушриф»ларнинг ҳар қандай топшириғини сўзсиз бажаришга мажбур эдилар. Шу қасам орқали «нақиб»лар ҳар қандай жиноий мақсадни амалга ошириши мумкин. Шундай бўлди ҳам.

2005 йилнинг 1 июнь куни кечки соат 23-24 лар атрофида Ҳ. Абдураҳмоновнинг топшириғи билан К. Сидиқов хонадонида яшириб қўйган варақаларни олиб, Янгийўл шаҳри марказига келади. У ерда Комилни Ҳ. Абдураҳмонов, Ғ. Қулмонов, С. Нуриддинов, Р. Асатов ва Ш. Рашидовлар кутиб туришарди. Ўша тунда улар шаҳарнинг «Файзобод», Уйғур, Чустий, «Гулистон», «Деҳқонобод», «Усмонобод», «Ёшлик» кўчаларига «Ҳизбут-таҳрир»нинг Андижон шаҳрида «Акромийлар» диний-экстремистик оқими аъзолари томонидан содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисида, Ўзбекистоннинг олиб бораётган сиёсатига нисбатан бўҳтон сўзлар битилган бир неча варақалар тарқатишади. Ўша тунда Ҳ. Абдураҳмоновнинг кўрсатмаси билан Б. Зиёев ва М. Дониёровлар Зангиота тумани, Ўртаовул қўрғонидаги «Ёшлик», Амир Темур кўчаларида ҳам худди ана шу мазмундаги варақалар тарқатишади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг саъй-ҳаракати билан Янгийўл, Зангиота туманлари ҳудудида «Ҳизбут-таҳрир» оқими ғояларини тарғиб қилиб юрган аъзоларнинг фаолиятига чек қўйилди. Тергов ҳаракатлари давомида ушбу шахслар томонидан Зангиота, Янгийўл туманлари ҳудудида ҳам аҳоли орасида беқарорликни келтириб чиқаришга қаратилган варақалар тарқатилгани аниқланди.

Ғанижон Қулмоновнинг тергов кўрсатмасидан:

— Ҳар ҳафтада бўладиган йиғинларда Абдусамиғ табарруот пулини ҳам тўлаш шартлиги тўғрисида кўп гапирарди. Ҳар ким имкониятига қараб, кимдир 5 минг берса, яна биров 10 минг берарди. Мен ўзим ҳам 40 минг сўм берганман. Шу пулни ота-онамга бермоқчи бўлиб турганимда, Абдусамиғ менга бера қолинг, мен ўзим жойини топиб тарқатаман, деди. Мен рози бўлдим. Аммо у пулларни қаерга сарфлаганидан бехабарман.

Ўз оиласи, фарзандлари ризқидан қийиб, «табарруот» дея берилаётган пулларнинг қаерга, нима учун сарф этилаётганини ўша «ҳизб»нинг оддий аъзолари билишармиди? Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг маълумотига кўра, «ҳизб» аъзоларидан йиғилган «табарруот» пулларининг бир қисми «Ҳизбут-таҳрир»нинг бузғунчи китоб ва варақаларини тайёрлаш, уни кўпайтириш учун сарф этилади. Бу китоб ва варақалар, «Ал-Ваъй» журналлари асосан чет элда тайёрланиб, хуфя йўллар билан республикамиз ҳудудига олиб келинган. Аммо, бу «табарруот» пулларининг яна бир қисми «Ҳизбут-таҳрир»нинг «нақиб» ва «масъул» лавозимдагилари учун 300 АҚШ долларидан 500 АҚШ долларигача бўлган миқдорда ойлик маош қилиб берилаётгани, уларни уяли телефон, машина, уй-жой билан таъминлашга сарф этилаётгани оддий «ҳизб» аъзоларидан сир тутилган. Ахир «Ҳизбут-таҳрир»нинг бир неча йил давомида қочувда юрган «нақиб» ва «масъул»лари ҳам юриши, яшаши, оиласини боқиши зарур. Бунинг учун каттагина маблағ керак. Ўша маблағлар, ҳойнаҳой, осмондан чалпак мисоли ёғилмагандир.

«Ҳизбут-таҳрир»чилар ўз мақсадига диний тус бериб, уни ислом ниқоби остида амалга оширади. Бу эса ўз сафларини кенгайтириш учун бир восита, холос. Диний билимга қизиқувчан кўплаб ёшларнинг бу оқимга адашиб киришларининг асл сабаби ҳам ана шунда. Аммо бу оқимнинг мақсади сиёсий зўравонлик бўлиб, «жиҳод» йўли билан ҳокимиятни эгаллаш, ўзгартириш, унинг ўрнига халифалик давлатини барпо этиш эканлиги токи «ҳизб» аъзоси қасамёд қилгунча сир тутилади. Шу боис, адашганлар бу мақсад қанчалаб бегуноҳ инсонлар қонини тўкиш, юртни вайрон қилиш ҳисобига амалга оширилиши мумкинлигини жуда кеч тушунади. Қасамёд қилиб бўлгач эса, ортга қайтиш учун йўл беришмайди.

### ГУНОҲ ВА САВОБНИНГ ОРАСИ

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида яшовчи Раҳматулла Асатов маҳалладоши Тўхтамурод Мирзакаримовнинг даъвати билан «Ҳизбут-таҳрир»га аъзо бўлганида ўн етти ёшда эди. Ислом динини ўрганишга бўлган қизиқишини билган Тўхтамурод унга яширинча дарслар ўта бошлайди. Динни ўргатишдан бошланган дарслар бора-бора мамлакатдаги тузумни ўзгартиришга, унинг ўрнига халифаликни тузишга бориб уланади. Раҳматулла ўзи тенги уч-тўрт нафар йигитлар билан бирга ҳафтада бир маротаба Тўхтамуроднинг уйида «Ҳизбут-таҳрир тушунчалари» китобидан яширинча дарс ола бошлайди. «Раъйимга қарши бўлса-да, «Ҳизбут-таҳрир»нинг ҳар қандай топшириқларини бажараман», дея Т. Мирзакаримовнинг олдида қасамёд қиладилар. 1999 йилнинг куз ойларига бориб, Т. Мирзакаримов жиноятлари учун жавобгарликка тортилади. Шу сабабли дарслар тўхтатилади. 2002-2003 йилларда «Ҳизбут-таҳрир» «мусоид»и Ҳусан Абдураҳмонов Раҳматулла билан бир неча бор учрашиб, дарсларни яна давом эттириш, «ҳизбийлар» сафини кенгайтириш кераклигини уқтиради. Унинг қўлига бир даста варақа бериб, Зангиота, Янгийўл тумани ҳудудида тарқатишни буюради.

– «Ҳизбут-таҳрир»га аъзо бўлиб, варақалар тарқатсанг катта савобга эга бўласан, Оллоҳнинг розилигини оласан, савоб бўлади, деган эди ўшанда менга Ҳусан Абдураҳмонов, – дейди афсус билан Раҳматилла Асатов судда. – Мен энди тушуниб етдим. Савоб иш қиляпман, деб кечириб бўлмас жиноят қилган эканман. Маҳалла, қўни-қўшни олдида отамнинг номусдан, уятдан боши эгилди.

Мана, билимсизлик, ғўрликнинг фожиаси. Ахир, биз савоб билан гуноҳнинг фарқини жуда яхши ажрата оладиган халқмиз. Неча минг йиллардан буён ота-боболаримиз бутун умрини савоб ишларга сарф этиб келмоқда. Савоб ўзи нима? У Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўладиган, эзгу, хайрли иш. Бугунги кунга келиб эса биз учун бегона, ёт оқимлар жиноятни савоб, савобни жиноят деб ёшларни йўлдан чалғитмоқда.

### САРОБГА ИНТИЛИБ...

Ҳ. Абдураҳмонов биргина Янгийўл, Зангиота туманларида эмас, балки қўшни туманларда ҳам «ҳалқа»лар ташкил этиш ниятида, 2005 йилнинг сентябрь ойида Абдусамиғ Абдураҳмонов билан Чинозга йўл олишади. У ерда «Ҳизбут-таҳрир»нинг собиқ аъзоси Қаҳрамон Аҳмедов билан учрашади.

Қаҳрамон Аҳмедов 1975 йилда Чиноз туманида туғилган. 1999 йилда «Ҳизбут-таҳрир»га аъзо бўлиб, туман ҳудудида шу оқим ғояларини ташвиқ этиб келган. 1999 йилда «Ҳизбут-таҳрир»даги фаолияти сабабли, Чиноз туман судининг ҳукми билан 9 йилга озодликдан маҳрум этилади. Ўзбекистон Президентининг амнистия тўғрисидаги фармони билан жазо муддатлари бир неча бор қисқартирилиб, 2005 йилнинг июль ойида жазодан озод этилади. Аммо у жазодан озод бўлгач, бу эзгулик, бағрикенгликнинг қадрига етмади. Қилмишидан пушаймон бўлиш, ҳаётини оиласи, маҳалладошлари, вояга етказган Ватани манфаати учун сарф этиш ўрнига, аксинча, орадан икки ой ҳам ўтмай туриб, яна сароб йўлга қадам қўйди.

Қаҳрамон Алишер Сотиволдиев, Ҳасан Турдихўжаев, Отабек Абдураҳмонов Абдувоҳид ва Аҳмадилла Мирзаевларни «Ҳизбут-таҳрир»га даъват қилиб, ўз атрофига тўплайди. Улар Ҳасан Турдихўжаевнинг Чиноз тумани «Янгиобод» маҳалласидаги хонадонида ҳар ҳафтада бир маротаба Абдусамиғ Абдураҳмоновдан дарс олишади.

– Акам Достон Абдураҳмонов «Ҳизбут-таҳрир» аъзоси сифатида 2000 йилда маҳалладошимиз Қаҳрамон Аҳмедов билан бирга қамалди, – дейди Отабек Абдураҳмонов. – 2005 йилда Қаҳрамон жазосини ўтаб, қайтиб келди. Мен ундан акам ҳақида сўрашга бордим. У эса акам бу йўлдан қайтмаганини, мен ҳам унинг изидан боришим кераклигини уқтирди. Мен ўшанда ҳали 20 ёшга ҳам тўлмаган эдим. Уларнинг таклифига рози бўлдим. Қаҳрамон мени А. Сотиволдиевнинг уйига олиб борди. У ерда янгийўллик «Рустам» лақабли Абдусамиғ Абдураҳмонов Ўзбекистонда халифалик давлатини ўрнатиш кераклиги, бу йўлда «жиҳод» қилиш зарурлиги ҳақида гапирарди. У менинг қўлимга «Ҳизбут-таҳрир» тушунчалари», «Ал-Ваъй» журналларидан бериб, уйимга бориб ўқишимни айтди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан давом этган тергов ҳаракатларида, Чиноз туманидаги «Ҳизбут-таҳрир» аъзолари ҳам жиноий жавобгарликка тортилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди мазкур жиноий ишни кўриб чиқди. Судланувчилар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг жамоат хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солишга қаратилган материаллар тайёрлаш ва тарқатиш, тақиқланган диний-экстремистик ва ақидапарастлик гуруҳларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш жиноятини содир этганликда айбдор деб топилди. Суд уларни турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

### ХОТИМА
### ёки «Ҳизбут-таҳрир» қолдирган жароҳат

Сўнгги йилларда ер юзининг кўплаб ҳудудларида турли кўринишдаги террорчилик, қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз. Уни уюштираётган ёки молиявий таъминлаб келаётган, бу ҳаракатларни қўллаб-қувватлаётган экстремистик гуруҳлар орасида «Ҳизбут-таҳрир» бор. Бугун жаҳоннинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, ҳар бир давлат ўз юртида демократик жамият қуришга интилмоқда. Дунё халқлари илму фан, техника тараққиёти чўққиларини забт этмоқда. Бироқ «Ҳизбут-таҳрир» илму фан, техника, маданият тараққиёти кушандасидир. У ўзининг ғаламисона даъватлари билан кишиларни бир неча аср ортга қайтармоқчи. Бу эса амалга ошириб бўлмас хомхаёл. «Ҳизбут-таҳрир» раҳбарлари эса буни яхши билади. Асл мақсад эса ҳокимиятни эгаллаш, ҳукмронлик қилишдир. Аммо «Ҳизбут-таҳрир» қўлида мисоли қўғирчоқ бўлган Ғанижон Қулмонов, Қаҳрамон Аҳмедов каби аъзолар бу ҳақиқатни тан олишдан тонмоқда. Тониши ҳам табиий, негаки уларнинг онги, шуури шу қадар заҳарланганки, ҳеч қандай маърифат билан уни ўзгартириб бўлмайди. Улар учун берилган катта имконият – амнистия ҳам уларни бу хатарли йўлдан қайтара олмади. Сўнгги чора эса соғлом жамиятни уларнинг чиркин, тубан ғоясидан муҳофаза этишдир.

«Ҳизбут-таҳрир»нинг қолдирган жароҳати шу бўлдики, дунёқараши тор, ёш-ёш йигитларни ўз Ватани ва халқига қарши қилиб, оиласидан ажратди. Баъзилари билиб-билмай шу оқимларга аъзо бўлгани сабаб турли муддатга озодликдан маҳрум бўлди. Бунинг натижасида неча тинч оилаларга ғаму ташвиш соя солди. Фарзандлар отасидан, оналар эса ўғлидан айрилди. Оталарнинг номусдан қадди букилди.

Биз бежиз мақолани билимсизлик, у келтириши мумкин бўлган мудҳиш фожиалардан бошламадик. Ушбу жиноий иш билан танишар эканмиз, «Ҳизбут-таҳрир» аъзоларининг бирортаси олий маълумотга эга эмаслиги, ўрта мактабни аранг тугатганига амин бўлдик.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан «Ҳизбут-таҳрир»чиларнинг хонадони тинтув қилинганда, икки юздан ортиқ «Ҳизбут-таҳрирнинг сиёсий тушунчалари» китоби, ўнлаб «Ал-Ваъй» журнали, бўҳтонлардан иборат турли хил мазмундаги юзлаб варақалар, аудио ва видеокассеталар, дисклар топилди. Экспертлар фикрига кўра, бу адабиётлар аҳоли тинчлиги, мамлакат барқарорлигига таҳдид солишга, куч ишлатиш йўли билан ҳукуматни босиб олишга қаратилган. Бироқ афсуски, уларнинг хонадонидан на Имом Бухорий, на бошқа бир улуғ алломаларимизнинг китоблари топилди. Ахир бу муқаддас заминдан динимиз ривожига катта ҳисса қўшган юзлаб алломалар етишиб чиққан. Араб дунёсида уларнинг муборак номлари ҳануз катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади.

Ислом дини асрлар давомида кишилар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик риштаnumbers боғлаб келган. Уларни ҳар қандай ёвузлик ва қабоҳатдан қайтариб, эзгуликка даъват этиб келган. Ҳатто бир-бири билан адоватда бўлган халқлар ҳам ислом дини боис дўстона ҳаёт кечирганлар. Аммо бугунги кунга келиб «Ҳизбут-таҳрир» каби экстремистик оқимдагилар динимиздаги эзгулик, яхшилик, тотувлик каби энг олий даъватлар қолиб, фитна-фасод, иғво ва бўҳтондан иборат варақалар тарқатишмоқда. Кишилар ўртасига нифоқ, осуда ҳаётига раҳна солишга интилмоқда. Уша варақаларга назар солсангиз, «Ҳизбут-таҳрир»чилар аҳолини ҳокимиятга итоат этмасликка, тузумни ўзгартиришга чақиради. Ахир бунинг оқибатида аҳоли ўртасида нотинчлик, ўзаро низо, турли жанжаллар келиб чиқиши тайин. Бу оқим ана шу жиҳати билан ҳам хатарлидир. Унинг фаолиятига, чиркин ғоясини тарғиб этишга бепарволик билан қараб бўлмайди. Бугун маҳалладошингизнинг тинч оиласига соя солган фожиа, эртага сизнинг оилангизга чанг солмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шундай экан, фарзандларимизни бу боши берк йўлдан ўз вақтида қайтарайлик. Сўнгги пушаймон эса ўзимизга душман бўлиб қолаверади.

**Ш. ШАРИПОВ.**

**Мақола Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик жамғармасининг "Ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ қилишни такомиллаштириш" гранти ва қўллаб-қувватлаши асосида тайёрланган.**

«Туркистон» газетаси, 2007 йил, 11 апрель.

## 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

# ЭЪТИБОР

**Бугунги кунда ижтимоий муҳофаза кўламини янада кенгайтириш мақсадида, жойларда қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногирон ҳамда ёлғиз кексалар холидан хабар олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга барча ташкилий тузилмалар ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Яқинда Тошкент туманидаги «Бозорсавдо» фирмаси ҳам шу мақсадда Наврўз туҳфасини инъом этди. Ташкилот мутасаддилари ногирон ва ёлғиз қариялар яшовчи 140 хонадонга ташриф буюриб, уларга ўз совғасини улашди. Бу каби ишларда туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ҳам ташаббускорлик кўрсатмоқда.

**СУРАТДА:** туман Қизил Ярим ой жамияти «Меҳр-шафқат» ҳамшираси Зулхумор Шомуродова (чапдан), туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари Раъно Утегенова Мансур ота ва Нурсалия ая Қанотовлар ҳолидан хабар олишмоқда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**





# ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

**Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги тарқатиш комиссияси томонидан кимошди савдосига қўйилган мол-мулклар рўйхати**

| Т/р | Мол-мулклар номи | Счет рақами | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Сабзавот омбори | 01 | дона | 1 | 2599042 |
| 2. | Сабзавот омбори | 01 | дона | 1 | 2599042 |
| 3. | ЭҲМ Агат | 01 | дона | 1 | 66347 |
| 4. | Вагон-уй | 01 | дона | 1 | 455781 |
| 5. | Асал сиқиб олиш ускунаси | 01 | дона | 1 | 172643 |
| 6. | Сиғимли идиш (3 тонна) | | дона | 1 | 1072321 |
| 7. | Сиғимли идиш (5 тонна) | | дона | 1 | 2024510 |
| 8. | Шкаф, музлатгич | | дона | 1 | 43023 |
| 9. | Жами чорва бош сони, иморат техникалари билан | | | | 60920858 |
| | От арава | 01 | дона | 1 | 38911 |
| | Ферма электр тармоғи | 01 | км | 2 | 704271 |
| | Ферма электр тармоғи | 01 | дона | 234 | 1430330 |
| | Ферма иморат-иншооти | 01 | сўм | х | 42755924 |
| | Қорамоллар | 01 | бош | 18 | 9841642 |
| | Ёш моллар | 11 | бош | 8 | 299444 |
| | Она қўй | 11 | бош | 8 | 930000 |
| | Қўчқор | 11 | бош | 1 | 130000 |
| | Қўзилар | 11 | бош | 2 | 90000 |
| | "Кир-1,5" | 01 | дона | 1 | 634380 |
| | Ротор косилкаси | 01 | дона | 1 | 634380 |
| | Т-28х4 трактори | 01 | дона | | 2086568 |
| | Тиркама | 01 | дона | | 1114162 |
| | Валакушка | 01 | дона | 1 | 230846 |
| 10. | А. Икромов номли идора биноси ("Зафар" қ.ф.й.) | | дона | 1 | 4335000 |

**Кимошди савдоси 2007 йил 21 апрель куни соат 10.00 да Охунбобоев номли ҚХШ идора биносида бўлиб ўтади.**

**Ҳужжатлар 11 апрелдан 20 апрель соат 9.00 дан кеч соат 18.00 гача қабул қилинади.**

***Қайта ташкил қилиш комиссияси.***

# «СЕҲРЛИ ЁҒДУ – 2007» – ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида ўқувчи-ёшларнинг «Сеҳрли ёғду – 2007» кино-фото фестивали бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази, Киновидеоҳаваскорлар жамияти, Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида ташкил этилди. Ўн икки йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган фестивалда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб чиққан 85 нафар ижодкор ўқувчи иштирок этди. Улар тасвирга туширган ва кино тасмаларга муҳрлаган мавзулар ранг-баранг. Она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, устозларга эҳтиром, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, миллий санъатимизни улуғлаш, меҳр-оқибат ва хайр-саховат сингари умрбоқий.

Икки кун давом этган фестивалда асосий совриндорлар билан бир қаторда, «Энг яхши сценарий муаллифи», «Энг яхши режиссёр», «Энг яхши мусиқий безак», «Энг истеъдодли актёр», «Энг истеъдодли тасвирчи» сингари номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

**Тошкент Фотосуратлар уйида хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнига бағишланган фотокўргазма очилди.**

У Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, БМТнинг Тараққиёт дастури, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўргазмада намойиш этилаётган фотоасарларда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи атрофлича акс эттирилган. Ижодкорлар орасида профессионал фотоусталар билан бирга ҳаваскор сураткашлар ҳам борлиги эътиборга лойиқдир. Танловнинг "Энг яхши фото" номинациясида сирдарёлик Комила Райимбоева , "Энг яхши иншо" номинациясида тошкентлик Светлана Гуляева ғолиб деб топилди.

**ЎзА.**

## Ўзбекона анъаналар

# ОТАМДАН ҚОЛГАН ЛАГАН



Баъзан уйимга меҳмон келиб қолса, деворда осиғлиқ турган лаганга қараб: «Бу қанақа лаган, уни нега осиб қўйибсизлар?», деб саволга тутади. Шунда мен фахр билан: «Бу отамдан қолган лаган», деб жавоб бераман.

Мен учун қадрдон «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинган «Сайёра» сарлавҳали бадиҳамда отамдан қолган «бир сувврат тарихи» ҳақида ёзган эдим. Бу лаганни ҳам отам Дўстмуҳаммад қори Бухорога иккинчи марта борганларида, ёш келинчак онамга туҳфа қилиб келтирган эдилар. У ҳақиқий хитойи чинни лаган. Унинг бадиий безаклари ҳам ажабтовур бўлиб, кишини ҳайратга солади. Юзидаги хилма-хил рангли тўртбурчаклар устига турли рақамлар битилган. Орқасида эса, осиб қўйиш учун алоҳида тешик ҳам қилинган.

Ёдимда, уйга отамнинг қадрдон улфатлари йиғилишганда, улар ўчоқ бошида ўралашиб юрган онамга: «Ҳой, Муборакхон, ошни Бухорои шарифдан олиб келганим, ўша хитойи лаганга сузиб келинг», дер эдилар. Палов дастурхонга қўйилиб, тўрт-беш ошамдан олингандан сўнг, ўша ранго-ранг тўртбурчаклар ва рақамлар пайдо бўла бошларди. Меҳмонлар бу қанақа рақамлар, мана бу ранго-ранг тўртбурчакларчи, деб отамни саволга тутар эдилар. Ўшанда отамнинг, «Бухоро растасида бир эътиборли бой савдогардан анча тилло ақчага сотиб олган эдим», деб жавоб берганлари ҳали-ҳали ёдимда.

Лаганнинг чеккасида тўртбурчаклар устига туширилган рақамлар 9570 дан 9639 гача бўлиб, ҳаммаси 69 та. Биринчи айланада 37 та, иккинчисида 23 та, учинчисида 10 та, лаганнинг ўртасида эса фақат битта рақам. Демак, мана шу ердан рақамларнинг яхлит тизими бошланади. Деҳқончасига қилиб айтсак, булоқ боши ўртадаги битта рақамда, яъни марказдаги шу 9606 рақамидан бошланиб, тепадаги чиройли тўртбурчакнинг тагига қўйилган 9630 рақами билан тугайди.

Бир куни хонадонимга уч-тўрт ёзувчи дўстларим меҳмон бўлиб келишди. Шунда палов дамлаб қўйиб, Наргизахонга: «Ошни анави қозиқда илиғлиқ турган лаганга сузиб кел», дедим. Дўстларим «шунча лаган турганда нечук қозиқдаги лаганга сузади?», деб ҳайрон бўлишди.

Хуллас, паловхонтўра сузиб келинди. Меҳмонлар уч-тўрт ошамдан олишгандан кейин ўша сирли рақамлар, рангли тўртбурчаклар бирин-кетин намоён бўлди. Шунда хуштабиат муҳарриримиз Аҳмаджон Мелибоев «Бу қанақа рақамлар, мана бу рангдор тўртбурчакларчи?», деб қолди. Мен дўстларимга лаган тарихини сўзлаб бердим.

Ҳа, нақшларию рақамлари ҳамон сирлилигича қолаётган қадимий лаган оиламиз кўрки, ҳамиша-ҳамма вақт отам анъаналарига амал қилиб, қадрдон дўстларим ёки ўғил-қизларим, куёв-келинларим хонадонимга ташриф буюришса, қизимга: «ош дамлаб, отамдан қолган лаганга суз», дейман. Бир куни фарзандларимдан бири, «бу ноёб лаганни энди кимга ҳадя этасиз?» деб қолди.

— Албатта, энг катта ўғлимга, — дедим.

Яқинда «Адабиёт ва санъат» газетасига бориб қолдим. Газета муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев хонасидан чиқиб келаётган экан. Мени кўрди-ю, нима учундир «анави ноёб лаган қозиқда осиғлиқ турибдими?», деб сўраб қолди.

— Ҳа, турибди, нимайди?

— Ўша сеҳрли лаганда яна бир бор ош есак, балки бу сафар унинг сирларини очармидик... — деб қўйди, ярим ҳазил, ярим чин маънода.

— Бош устига, у ўзбекнинг ноёб анъаналаридан бирини ўзида мужассам этган саховатпеша, муқаддас лаган, омон бўлсак ҳали жуда кўп ош еймиз! — дедим.

— Лаганга неча йил бўлди?

— Отамнинг айтишича, у инқилобдан олдин олиб келинган экан.

Шундай, лаганнинг бизнинг хонадонимизга келганига юз йилдан ошиб кетибди. Бунга қадар у яна қанча умр кўрган, бу биз учун жумбоқ.

Мана, мен ҳам саксондан ошиб, отамдан қолган ёдгорликни ҳамон асраб-авайлаб, шикаст етказмай сақламоқдаман. Гоҳо-гоҳо деворда осиғлиқ турган шу лаганга қараб, олимсифат, донишманд, шоиртабиат отамни ёдга оламан.

Ота-онага ҳурмат, эҳтиром, уларни ҳамиша ёд этиш, обрў-эътиборни улуғлаб юриш фарзандлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ота-онани ҳурмат қилган фарзанд ўз ўғил-қизларидан ҳам шундай илтифот, меҳр-оқибат кўради.

Ушбу мақолани ва унга қўшиб сирли лаган суратини газетада эълон қилишдан биргина умидим шуки, шояд унга бирор мутахассис олимнинг кўзи тушиб, рангли тўртбурчаклару сирли рақамларнинг мазмун-моҳиятини очиб берса.

**Мақсуд ҚОРИЕВ.**

### ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР

- Бобокалонлар демишларки, ота оила салтанатининг подшоҳи бўлса, она ана шу подшоҳликнинг донишманд вазиридир.
- Ота хонадонга кириб келганда уйга файз, барака бойлик ҳам бирга кириб келади.
- Она оила зийнати, кўркидир. Унинг қаҳри тошни ёради, меҳри эса дарёдир.
- Ота-онанинг дуосини олган фарзандлар ҳеч қачон кам бўлмайди.
- Отанг бор, кўнглинг тўқ, онанг бор, бағринг бутун.
- Онанг бор, оила сарамжон-саришта, хонадонда меҳр-мурувват ҳукмрондир.

## Шундан кейин

### КАРАКАСДА АЁЛЛАР КОНГРЕССИ

**Венесуэла пойтахти Каракасда «Хотин-қизлар – тинчлик учун курашда» мавзуидаги ўн тўртинчи Жаҳон хотин-қизлар конгресси очилди.**

Хотин-қизлар халқаро демократик федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур форумда саксондан зиёд мамлакатдаги хотин-қизлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда. Хотин-қизлар халқаро демократик федерацияси президенти Марсиа Кампоснинг маълум қилишича, форум кун тартибидан глобаллашув ва урушларнинг салбий оқибатлари, қочқинлар ва муҳожирлар муаммолари каби мавзулар жой олган.

### МАКТАБДАГИ ҚАМОҚ ЖАЗОСИ

**Буюк Британия ўқитувчилари интизомсиз ўқувчиларни мактабда қамаш ҳуқуқига эга бўлдилар.**

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг маълум қилишича, мамлакатда 11 апрелдан ўрта таълим тизимини мустаҳкамлаш тўғрисидаги янги қонун кучга кирган. Унда хулқи ёмон ўқувчиларни жазолашнинг янги усуллари ўз аксини топган. Қонунга биноан, ўқитувчилар тартиб-қоидага риоя қилмаган ўқувчиларни тунлари, дам олиш кунлари, шунингдек, таътил вақтида ҳам мактаб қамоғида сақлашлари мумкин. Жазо муддати ўқувчи содир этган «жиноят»га қараб белгиланади. Ҳукмни эса таълим муассасаси раҳбари чиқаради. Жазоланган ўқувчилар қулфланган синфхоналар ёки мактабнинг бошқа жойларида ўтиришга мажбур бўлади. Қамоқда ўтиришдан бош тортган ва қонунга бўйсунмаган ўқувчилар мактабдан ҳайдалади ёки бошқа оғирроқ маъмурий жазо олади.

### ЯНА БИР СУВЛИ САЙЁРА

**Америкалик олимлар Қуёш системасидан ташқарида жойлашган сайёрада сув мавжудлигини аниқлашди.**

Бу ҳақда АҚШнинг Аризона штатидаги Флагстафф шаҳрида жойлашган Лоуэлла расадхонаси ходими Трэвис Бармэн маълум қилди. Унинг таъкидлашича, мазкур кашфиёт коинотда ҳаёт мавжудлигига ишонувчилар учун жуда муҳим ҳодисадир. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ёруғлик 153 йилда етадиган масофада жойлашган Пегас буржидаги Эйч-Ди 209458 Би сайёрасида сув буғи аниқланган. Бу фазовий жисм ташқаридан кўпроқ Юпитерни эслатади. Мазкур сайёранинг атмосфера таркиби ҳақидаги илк маълумот олимлар томонидан жорий йилнинг февраль ойида олинган эди.

**ЎзА.**

**Аъзам АЗИМИЙ**




# СИРЛИ СУРАТ

Ўртоқларим сотқинлик қилишди. Улардан бири альбомимдаги сурат ҳақида «гуллаб» қўйибди. Ота-онам аллақандай домлани топиб, мени «ўқитишди», дам солдириб, қандайдир суюқликлар ичиришди. Сўнгра қариндош-уруғлар олдида «ота-онам кимни олиб беришса, шунга розиман!» деб сўз беришга мажбур қилишди. Чунки, акс ҳолда альбомдаги суратни йиртиб ташлашар эди. Мендан сўз олгач, ойим мийиғларида кулиб, суратни сандиққа яширдилар-да, тўй ҳаракатига тушиб кетдилар.

Ўша кундан бошлаб, мен учун бутун дунё қоронғу, остин-устун бўлгандек. Атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ эдим. Ишларим унумсиз бўлиб, омад мендан юз ўгирди. Ҳар қадамимда тўсиқ ва фалокатларга дуч келардим. Ҳатто, Кривой Рогдаги конлардан бирида маъдан ортилган икки вагон ўртасида мажақланиб, ҳаёт билан видолашишимга оз қолди.

Тошкентга қайтганимда, тўй ҳаракати авжида эди. Узоқроқ бир қариндошимизнинг тўнғич қизига унаштиришганини эшитдим. У қиз институтнинг биринчи курсини битирган экан. Истар-истамас бориб, ЗАГСдан ўтиб келдим. Кейин туни билан ухлолмай, «оҳ» уриб чиқдим. Кўзим энди уйқуга илинганда, аллакимнинг пиқиллаб йиғлаётганини эшитиб, уйғониб кетдим.

Тўй куни ойимни ҳоли ушлаб, ўша суратни бир мартагина кўрсатишларини ёлвориб сўрадим. Ойим ночор сандиқни очиб, альбомимни тутқаздилар. Уни олганимда қўлларим қалтирарди. Суратни кўришим билан юрагим эзилиб кетди. Икки кўзи ёшга тўлган, лаблари ғамгин эди. Расмни бағримга босиб, ўкириб юбордим. Жон ҳолатда альбомни қўлимдан тортиб олган ойимлар ҳам суратни кўриб, донг қотиб қолдилар.

— Ё тавба! — дедилар ранглари ўчиб. — Ахир сандиққа солаётганимда қизнинг кўзида ёш йўқ эди-ку?!

Кейин ўзларини қўлга олиб, мени уриша кетдилар:

— Ҳўкиздек бўлиб, ўкириб йиғлашингни қара, битта расм деб юрагимни адо қилмоқчимисан? Ойдек қизга уйланаётганингга хурсанд бўлиш ўрнига, ўзинг чизган расмга илтижо қилиб, йиғлаганингни қара! Нима, жиннипинни бўлганмисан? Суф-э, сендек йигитга!

Сўнгра альбомимни зарда билан яна сандиққа солиб, дедилар: «Тўйдан қутулай, бу шайтонвачча қизнинг сеҳрли тўридан сени халос қилмай қўймайман!»

Қочиб кетишимга қарамай, мени топиб олиб, тўйни ўтказишди. Аммо тилларанг сочли, мовий кўзли гўзал қиз кўз ўнгимдан кетмасди. Ҳалигача ёлғиз қолиб, хаёлга чўмганимда унинг майин қўллари сочларимни аста силаганини, гоҳо кафтимга бошини енгил қўйганини сезаман. Ёқимли иси димоғимга урилганида, юракларим эзилади. Камдан-кам кўрадиган тушларим эса, доим бирдай: гўё ойимлар қизнинг суратини ўтга ташлаётганларида: «Ойи, ойижон!» деб нола қилиб, оёқларига ёпишиб, йиғлайман. Қизнинг сурати энди аланга олай деганида, чўчиб уйғониб кетаман.

# УЧРАШУВ

Уйланганимга ўн кун бўлмай, узоқ муддатли амалий ишга кетадиган бўлиб қолдим. Бироқ, тўйдан олдин белгиланган Олтинтопкан қўрғошин-рух кони ўрнига узоқ Кавказ тоғларидаги Турнаоғиз молибден конига борадиган бўлдим. Ниятим тўққиз ойлик бу сафаримда уйдан бутунлай қорамни ўчириб кетиш эди.

«Тошкент-Красноводск» поезди вокзалдан силжиганида биринчи марта енгил руҳ билан она шаҳримни тарк этдим. Бунинг устига икки ўринли купеда бир ўзим кетишим менга янада ҳузур бағишлар эди. Бироқ, йўлакай бирор йўловчи чиқиб, ҳаловатимни бузишини ҳам билардим. Шунинг учун катта станцияларда поезд ҳар тўхтаганида юрагим така-пука бўларди. Купеимга ҳеч ким кирмай, поезд силжигач, енгил тортардим.

Мирзачўл, Ховос ва Жиззахдан ўтганда ҳам купеимга йўловчи чиқмади. Мелютинский станциясида 3 минут тўхтаган поезд ўрнидан силжиди. Мен ўриндиғимга ясланиб олиб, ортда қолиб кетаётган файзи йўқ вокзал перронини кузатардим. Шу пайт тўсатдан очилган эшик мени чўчитиб юборди.

— Бу бешинчи купеми? — деб сўради келишгангина рус аёли ва жавобимни ҳам кутмай, қаршимдаги бўш ўриндиққа ўтирди.

— Ҳа, 5-вагоннинг 5-купеси.

Ёши қирқларга борган бу аёл дид билан тикилган йўл кийимида бўлиб, қўлида аёллар сумкасидан бўлак ҳеч нарсаси йўқ. Катта-катта мовий кўзлари негадир ҳорғин ва ташвишли эди. Аёлнинг чиройли чеҳраси менга таниш ва ҳатто, қадрдондек туюлди. Сиз «фалончимисиз» деб, аёл исми-шарифимни аниқ айтгач, уни маҳалламиздаги рус қўшнилардан бири бўлса керак деб ўйладим.

— Мен Маргарита Николаевнаман, — деб, аёл ўзини танитди ва: — Ливиянинг онасиман, — дея, қўшиб қўйди. Бироқ сўнгги сўзининг менга таъсир қилмаганини сезиб: — Ливия Киртбаянинг онасиман, — деб урғу берди.

Елкамни қисиб, ҳеч нарса тушунмаганимни имо қилганимдан кейин, аёл яна вагон ва купе рақамлари-ю, менинг исм-шарифларимни сўради. Мендан тасдиқ олгач, энди у ҳайрон бўлиб, елка қисди.

— Сиз Ливияни танимайсизми?

— Ливияни ҳам Киртбаяни ҳам танимайман. Чин комсомол сўзим! — деб, жон ҳолатда тасдиқладим.

— Эҳ, худойим! — деб, аёл ёқасини ушлаганча, менга тикилиб қолди ва яна бирдан ўзини қўлга олиб, сўради: — У ҳолда сизнинг исми-шарифингизни, айнан шу куни, айнан шу поезднинг бешинчи вагони бешинчи купесида бир ўзингиз келишингизни қизим қаердан билди? Ахир бу маълумотларни менга у берди-ку? — деди аёл куюниб.

Сўнгра қўлимга бир парча қоғоз узатди. Унда менинг исми-шарифим, поезднинг номи, вагон ва жой рақамлари аниқ ёзилган эди. Оғзим очилиб қолди. Бу маълумотларни қизга ким етказган экан, Ливияси ким бўлди экан, деб ҳайрон эдим.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

(Давоми бор).




Маҳалламизда мулланамо Зайниддин исмли киши бор. Ўзи жуда ўқимишли, дилкаш одам. Бўш вақтим бўлди дегунча, чиқиб, ҳангомалашиб ўтираман.

Бир куни ишдан қайтаётсам, эшик олдида турибди.

– Ҳорманг, мулла Собир! – дейди.

– Бор бўлинг! – деб, бориб кўришдим.

Зайниддин ака кулди:

– Сомсага қалайсиз, сомсага?

– Қани энди, – дедим мен ҳам кулиб, – айниқса, ялпизлигидан бўлса... Фасли баҳор дегандай...

– Унда тезроқ ювиниб, бизникига чиқинг. Бугун муридларимдан назир олдим... – қўшним кулимсираб уйга кириб кетди.

«Зайниддин ака яна бир антиқа ҳунар кўрсатибди шекилли-да», деган хаёл билан кийимларимни алмаштириб, қўшнимникига равона бўлдим.

Кирсам, Зайниддин ака олдига нашқбанд хонтахтани қўйиб, чўкка тушиб ўтирибди. Хонтахтада бир тоғора иссиқ сомса!

Билакни шимариб сомсаларни қийратишга киришдик. Ора-чора сўраб қўяман:

– Гапира қолинг энди, амаки, бу жониворларни қайси дард кўрмагур пиширган?

– Сал қоринни алдаб олинг, иним, кейин айтаман, – деди-ю, хушбўй ялпизли сомсани пуф-пуфлаб туширaверди...

Тоғоранинг таги кўринай деганда, ялпиз сомса тарихини айтиб берди.

... Бундан бир ойча аввал Зайниддин ака чорбоғини айланиб юрган экан, ён эшик ғийқиллаб очилибди. Қараса, хушрўйгина бир келинчак турган эмиш.

– Ассалом... – деб таъзим қилибди жувон.

– Ваалайкум ассалом! Келинг, қизим? – дебди Зайниддин ака унга пешвоз чиқиб.

Жувон ийманибгина кирибди-ю, супа четига омонат ўтирибди. Кейин муддаосини айтибди:

– Куёвингизнинг дастидан келувдим, мулла ака... Кунора ичиб келадиган қилиқ чиқарди. Сўккани сўккан. Бир-икки марта ураман, деб югурувди, қочиб қутулдим...

– Оббо бадбахт-эй! Вой бетавфиғ-эй! – куёвни койиган бўлибди Зайниддин ака, кейин жувонни овутибди, – Ҳа, майли, сабр қилинг, қизим, сабр таги сариқ олтин.

– Шунга... бир амал қилиб берсангиз, мулла ака... Зора ёмонлигини қўйса...

Зайниддин ака келинга бир разм солибди-да, ўйланиб қолибди: «Оёқ-қўли чаққонгина кўринади. Тили ҳам шунга яраша бордир. Энг гап билмайдиган хотин тўртта эзма эркакка дарс беради».

– Майли, сиз ўтиратуринг, мен ҳозир чиқаман, – деб Зайниддин ака меҳмонхонага кириб кетибди. Токчаларни титкилаб, кампирининг халта-хултасидан бир ҳовуч жийда топиб олибди. Бир жийдани яхшилиб арчибди. Кейин пўчоғини обдон қириб тозалабди-да, уч еридан кертмак солиб қўйибди. Бир парча қоғозга тез-тез алланарсаларни ёзиб, жувоннинг олдига чиқибди.

– Бу эзибички, – дебди қоғозни чўзиб, – куёвнинг овқатига қўшиб берасиз. Мана бу дам солинган жийда данаги. Қачонки куёвтўра жанжал бошламоқчи бўлса, данакни оғзингизга солинг-у қаттиқ тишлаб ўтираверинг. Зинҳор гапирманг. Гапирдингиз – дуонинг дами қайтади. Унда ёмон бўлади. Уқдингизми?

Энди боринг. Икки ҳафтадан кейин келиб, менга йўлиқасиз.

Жувон қайта-қайта миннатдорлик билдириб, жўнабди.

... Келин уйга келади-ю, эзибичкини овқатга қўшади. Жийда пўчоқни нимчасига бекитиб, дуонинг кароматини кута бошлайди. Ой чиқиб, алламаҳал бўлганда кўчадан хиргойи эшитилади:

*– Борма санамнинг*
*уйига,*
*Санам солар ўз*
*куйига...*

Хуллас, куёвтўра гандираклаб, ҳовлига кирадилар. Шу заҳоти келин нимчасидан жийда данагини олиб, оғзига солади ва югуриб бориб, уйнинг бурчагига чўнқайиб ўтириб олади. Куёв остонадан бақиради:

– Хотин! Ҳо хотин!

Хотин индамайди. Эр яна бақиради:

– Нега индамайсан? Нима бало, ўлиб қолганмисан?

Хотин тағин жим. Тили ҳар қанча қичиб турмасин, жийда данагини алам билан тишлаб, тек ўтираверади.

– Овқат деяпман сенга!

Хотин зинғиллаб бориб, ўчоқдан овқат келтириб, столга қўяди. Эр этигини ечай деб бир-икки уринади, ечолмайди.

– Этикни торт!

Хотин яна индамай этикни тортади. Эр ҳайрон.

– Чойинг борми?

Хотин соқов одамдай гапсўзсиз зипиллаб чиқиб кетади. Термосда чой келтиради. Эр таажжуб билан ичиб-ейди-ю, тўнғиллаб-тўнғиллаб, ухлаб қолади...

Эртаси кечқурун эр яна ичиб келади. Бу гал ширакайф. Хотин аллақачон оғзига жийда данагини солиб олган бўлади. Куёвнинг буйруқларини индамай бажо келтиради-ю, бир чеккада мунғайиб ўтираверади. Эрнинг фиғони фалакка чиқади:

– Тилинг кесилганми, нега миқ этмайсан?!

Хотин дуонинг касридан қўрқиб, оғиз очмайди. Жийда данагини жаҳл билан тишлайди... Шундан кейин эр жиддий ўйга толади: «Бунга бир бало бўлган, ё жин чалган. Дард десам, бало дерди. Бир гапирсам, ўнтасини қўндирарди... Йўқ, соғ эмас. Дўхтирга қаратиш керак».

Алқисса, эр аста-секин ичишини камайтиради. Оғзидан боди кириб, шоди чиқмайдиган бўлади. Келинпошша ҳам етти кунлик «соқовлик»дан сўнг чақалоқдай, қайта тилга кира бошлайди...

– Олдингиздаги ялпиз сомса, ана шу жийда данагидан пиширилган, – деб кулди Зайниддин ака.

– Энди эзибичкига қандай дуо ёзганингизни айтиб берасиз, – деб туриб олдим. Зайниддин ака кўрсаткич бармоғини ниқтаб ҳазиллашди:

– Ҳа, қув бола! Мени боплаб газетага уриб чиқай дейсизда, а? Йўқ, унақаси кетмайди.

Кейин аста ўрнидан турди-да, токчадаги қалин китоб орасидан тўрт буклаган қоғоз олиб, олдимга ташлади.

– Мана, ўқинг. Иккинчи нусхасини олиб қолувдим.

– Арабчага кўзим ўтмайди, амаки, – дедим тан олиб. Кейин ўзи ўқиб берди:

– «Эзибички бу турур. Шишадан қувват олиб, суюклик хотинига озор берадиган эрнинг тилига ришта, қўлига куйдирги чиқсин.

Нодон эр бемаза гап қилганда, доно хотин тилини тийиб турмоғи мақбул.

Ўзларингдан тинчиб, ували-жували бўлиб кетинглар-у, мен савобларингга қолай».

**Саъдулла СИЕЕВ.**

**Ўзбек Миллий академик драма театри**
**Сизларни 2007 йил 17 апрель, соат 18.00 да**
*(Эдуардо де Филиппонинг «Неаполь – город миллионеров» драмаси асосида саҳналаштирилган)*
**«ТУН АЛБАТТА ЎТАДИ»**
**спектаклининг премьерасига таклиф этади.**

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЁР: Александр Гамиров
ТАРЖИМОН: Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим
РЕЖИССЁР: Муборак Мадазимова
САҲНАЛАШТИРУВЧИ РАССОМ: Шуҳрат Абдумаликов
ЛИБОСЛАР БЎЙИЧА РАССОМ: Севара Зуннунова
МУСИҚАЛАРНИ Шуҳрат Нуралиев танлаган
РЕЖИССЁР ЁРДАМЧИСИ: Қаҳрамон Болтабоев

*Об-ҳаво*

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 14 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

1993 йил 29 январда Вайнер Надежда Николаевна номига берилган 04-02/9888 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зокиржон Тўлаганов номига берилган Учтепа тумани, 2-тор Назарбек кўчасида жойлашган 9-уйнинг план-ҳужжати йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Паркент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2001 йилда Султонов Элёр Абдурахимович номига берилган O'R-A № 1137829 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 7311. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 2 3 4 5 6